

Meros

№ 2/2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Каримова С. Абу Райҳон Беруний “Китоб ас-сайдана фи-т-тибб” асари форсча таржимасининг қўлёзмалари ҳақида..... 3
Абдуҳалимов Б. Образцы залоговых документов из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 11
Тошов Н. Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушо” ва Рашидиддиннинг “Жоме ат-таворих” асарлари қиёсий тадқиқи 16
Бўриев О. Ҳофиз Шерозий дастхатидаги энг қадимги қўлёзма..... 26
Якубов Қ. Хива хонлиги фатво ҳужжатлари: репрезентация, қозилик амалиёти ва манбашунослик таҳлили ……..... 30

ТАРИХШУНОСИК

Алимова Д. Некоторые вопросы историографии социально-экономических отношений древнего и античного периодов Узбекистана..... 45
Абдурасулов Х. Мясная торговля в Туркестанском генерал-губернаторстве во второй половине XIX – в начале XX века 59

АРХЕОЛОГИЯ

Шомукарамова Ф. Тасодифий топилмалар – Туркистон археологиясининг дебочаси..... 69

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ходжаева Р. Аллома Имом Замахшарий мақомаларининг маънавий-эстетик хусусияти ва тарбиявий аҳамияти..... 82
Эшонова С., Зокирова Д. Фироқий Хўқандийнинг туркий девони хусусида 88

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Алимова Л. Конфуцианские традиции в Южно-Корейском обществе..... 100
Каримова Н. «Сиюй шуйдао цзи» Сюй Суна, как особый вид сочинений по исторической географии Центральной Азии второй половины XVIII века 108
Акрамова Ш. Стратегия Дэн Сяопина по модернизации Китая 117

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти
Илмий кенгашининг 2022 йил 26 октябрдаги 6-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*
Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

--.--.2022 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 8,25. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: -- . ЎзРФА “Фан” нашриётида нашр этилди.

trustee in this process, his powers and the procedure for their consolidation are offered. These legal documents devoted to collateral issues shed light on the issues of office work in judicial institutions, which are typical both for the times of the Karakhanid dynasty and for later periods. The presented texts belong to the group of the most valuable and rare examples of Muslim legal documents.

Key words: *Abu Hafs an-Nasafi, "Matla' an-nujum wa-majma' al-'ulum", samples of legal documents, pledge, pledgor and pledgee, authorized person*.

Н. Тошов

Жувайнийнинг "Тарихи жаҳонгушо" ва Рашидиддиннинг "Жоме ат-таворих" асарлари қиёсий тадқиқи

Хоразмшоҳлар-Ануштегинийлар салтанати (1097–1231) Чингиз-хон (ҳукмронлиги 1206–1227 йиллар) ва унинг яқин авлодлари амалга оширган истилолар ҳамда мўғуллар ҳукмронлиги тарихига бағишланган араб ва форс тилидаги манбалар талай. Улар орасида Алоуддин Жувайний (1226–1283) ва Рашидиддин Фазлуллоҳ (1247–1318) қаламига мансуб форс тилидаги икки асарнинг алоҳида ўрни бор. Бу икки манба орасидаги боғлиқликни, фарқли ва муштарак жиҳатларни, буларнинг сабабларини аниқлаш муҳим илмий аҳамиятга эга бўлиб, бу, хусусан, улардан тўғри ва унумли фойдаланиш учун имкон яратади. Ушбу мақола айни шу вазифалар ечимига қаратилган. Ишни ушбу асарлар тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтишдан бошлаган маъқул.

Алоуддин Атомалик б. Баҳоуддин Жувайний мансуб бўлган хонадон жуда қадимий ва нуфузли бўлиб, унинг вакиллари турли даврларда Аббосийлар (750–1258), Салжуқийлар (XI–XII асрлар) ва Хоразмшоҳлар-Ануштегинийлар салтанатларида юқори лавозимларда хизмат қилишган. Жумладан, унинг бобоси Шамсиддин Муҳаммад (ваф. 1229) хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад (1200–1220) ҳамда унинг ўғли ва вориси Жалолиддин Мангуберди (1220–1231) саройида молиявий ишларнинг бошида турувчи соҳиб-девон, яъни бош вазир мансабида фаолият кўрсатган. Жувайний ўз асарида Хоразмшоҳлар давлатига хайрихоҳлигини очиқ намоён этишининг сабабларидан бири ҳам шу бўлса керак. Тақдир тақозоси билан Алоуддиннинг отаси Баҳоуддин Жувайний (ваф. 1253) 1230 йиллар ўрталарида мўғуллар хизматига киришга мажбур қилади, кейинчалик унинг ўғиллари

Алоуддин ва Шамсиддин Жувайний ҳам мўғуллар хизматига жалб этилади. Алоуддин умрининг охирига қадар турли лавозимларда, шу жумладан, умрининг сўнгги 20 йили мобайнида Чингизхоннинг набираси Ҳулагухон (1256–1265) томонидан асос солинган Элхонлар давлатида Бағдод ҳокими сифатида мўғулларга хизмат қилди.

Алоуддин Жувайний “Тарихи жаҳонгушо” асарини 1252–1260 йиллар орасида ёзиб тугатган. Асар уч жилддан иборат, биринчи жилд мўғуллар ва уларнинг истилолари, иккинчи жилд асосан Хоразмшоҳлар, учинчи жилд эса Мангу-қоон (Мункэ-қоон; 1251–1258) даври ва Исмоилийлар давлати тарихига бағишланган[1].

Рашидиддин Фазлуллоҳ б. Абулхайр Али келиб чиқиши бўйича Эрон ғарбида яшаган яҳудийлардан бўлган[2]. Бобоси, отаси ва ўзи табиблик билан шуғулланган. Рашидиддиннинг тарихдан ташқари яна илоҳиёт, тафсир сингари фанларга оид қатор асарлари ҳам мавжуд. Бир неча элхоний ҳукмдорлар қўл остида табиб, вазир ва бошқа лавозимларда хизмат қилиб, кенг кўламли молиявий ва маъмурий ислоҳотлар ўтказган, ўзи ҳам катта бойлик тўплашга муваффақ бўлган. Давлат маблағларини талон-торож қилиш ва бошқа жиноятларда айбланиб, қатл этилган.

“Жоме ат-таворих” (“Тарихлар тўплами”) 1300–1311 йилларда ёзилган, уч жилдга, бу жилдлар эса, ўз навбатида, ички қисмларга бўлинади. Биринчи жилд турк ва мўғул халқларининг қадимги тарихидан то элхоний подшоҳ Ғозон (1295–1304) вафотигача бўлган даврни ўз ичига олади ва “Тарихи мубораки Ғозоний” деган алоҳида номга ҳам эга. Иккинчи жилд жаҳон (мўғулларгача бўлган мусулмон давлатлари ва Хитой, Ҳиндистон, қадимги яҳудийлар, франклар, Рим папалари, герман императорлари) тарихи ҳамда элхон Ўлжойту (1304–1316) ҳукмронлигига бағишланган. Дунё географиясига оид бўлган учинчи жилд бизнинг кунларгача етиб келмаган[3].

“Жоме ат-таворих” аслида муаллифлар жамоаси томонидан яратилган асардир. Уни ёзишда Абдуллоҳ Қошоний ва Аҳмад

---

[1] Асар матни нашр этилган бўлиб, шу матн асосида у инглиз тилига тўлиқ ўгирилган [3; 16]. Мазкур матн ёки инглизча таржима асосида бошқа қатор тилларга бажарилган тўла ёки қисман таржималар ҳам мавжуд. Асар ушбу сатрлар муаллифи томонидан диссертация доирасида ўрганилган [13].

[2] Унинг яҳудий бўлганини шубҳа остига олувчи тарихчилар ҳам бор эди, аммо кейинги тадқиқотларда бу фактнинг ҳақиқат экани, Рашидиддин давлат хизматига киргандан кейин исломни қабул этгани исботланди (батафсил қар.: [17: 104–111, 113 ва давоми]).

[3] Асарнинг кўплаб нашр ва турли тилларга таржималари мавжуд (мисол учун: [8; 9]). Матн нашрининг учинчи жилди асар қўлёзмалари орасидаги тафовутлар қайдини, тўртинчи жилди эса кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Бухорий иштирок этишгани яхши маълум. Бундан ташқари, мўғуллар ва турклар тарихини ёритишда Рашидиддинга мазкур халқлар тарихининг билимдони бўлган Бўлад Чжэнсян исмли хитойлик амир, шунингдек, бошқа хитойликлар, ҳиндистонлик ва, афтидан, европалик кишилар яқиндан ёрдам беришган [6: 25–26]. Таниқли шарқшунос Заки Валиди Тўғон "Жоме ат-таворих"нинг мўғуллар тарихидан ҳикоя қилувчи қисмлари аслида мўғул тилидаги бир асарнинг таржимасидир, деган фикрни илгари сурган [20: 60–72]. Бироқ бу тахмин якуний хулосасини топганича йўқ.

Рашидиддиннинг солномаси, шубҳасиз, бебаҳо манба ва жаҳон тарихшунослигида у маълум маънода Жувайний асаридан-да, машҳурроқ. Аммо бу ҳол асосан Рашидиддиннинг турк ва мўғул халқлари, Мўғулистон тарихи, Чингизхон аждодлари ва унинг давлат тепасига келиши воқеаларини кенг баён этганлиги туфайлидир. Асардаги Элхонлар, айниқса, Ғозонхон ва Ўлжойту ҳукмронлиги тарихи ҳам оригинал ва қимматли. Бошқа кўп қисмлар, айниқса, Хоразмшоҳлар давлати тарихи, мўғулларнинг истилоларидан нақл қилувчи қисмлар асосан Жувайнийга таяниб ёзилган. Бунда Рашидиддин "Тарихи жаҳонгушо"ни анча соддалаштириб, қисқартириб баён қилган, кўплаб шеърлар ва арабий иқтибосларни тушириб қолдирган.

Кўриб чиқилаётган икала асар ўртасидаги фарқлардан бири уларнинг яратилишига туртки бўлган омилнинг турлича эканлигидадир. Биринчи асарнинг "Тарихи жаҳонгушо" – "Жаҳон фотиҳи тарихи" деб аталганидан кўриниб турибдики, у Чингизхонга бағишланган. Аммо у билан танишар эканмиз, Чингизхоннинг кенжа ўғли Тўли (тахм. 1191–1232) ва унинг авлодларига эътибор, улар шарафига айтилган мақтов сўзлари ҳатто Чингизхонга нисбатан айтилган ҳамду санолардан-да кўпроқ эканлигига гувоҳ бўламиз. Бу ҳол осонгина изоҳланиши мумкин. Асар ёзилаётган пайтда мўғул империяси бошида Тўлининг ўғли Мангуқоон турар, Жувайнийнинг 1255 йилдан кейинги бевосита патрони Ҳулогухон ҳам унинг учинчи ўғли эди. Муқаддимада айтилишича, 650/1252–53 йили муаллифга бахт кулиб боқиб, у "жаҳон подшоҳи Мангуқоон остонасини ўпиш шарафига муяссар" бўлган, шундан сўнг бир неча содиқ дўстлар унга "давр подшоҳининг сара ва фахрли ишларини абадийлаштириш" учун бир тарих битиш лозимлигини ишора этганлар [3, I: 3].

Мўғул олими Ш. Бира Жувайнийнинг юқорида келтирганимиз ҳамда "дўстларнинг қатъий ҳукм ўрнидаги ишоралари", "азизлар амри" каби бошқа сўзларига асосланиб, у асарини таклиф билан эмас, балки буйруқ, яъни мўғулларнинг фармойиши билан ёзган, деган

фикрни илгари суради [2: 118]. Бизнингча, бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Биринчидан, бундай қолип (клише) иборалар айнан бирор ҳукмдорнинг буйруғи билан ёзилмаган асарларда учрайди. Башарти асар Мангуқоон ёки бошқа ҳукмдор ёхуд амалдорнинг фармойиши билан ёзилганида эди, муаллиф бу ҳақда ўқувчиларни албатта хабардор қилган бўларди. Муаллифнинг асарни бирор кишига тақдим этганлиги ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ. Хуллас, гарчи асар мўғулларга бағишланган бўлса-да, у мўғуллар буйруғи ёки буюртмаси билан эмас, балки муаллифнинг шахсий ташаббуси билан ёзилган, деган хулосага келишимизга катта асос бор. Шулардан келиб чиққан ҳолда "Тарихи жаҳонгушо"ни шартли равишдагина расмий тарих деб аташимиз мумкин.

Рашидиддин ўз солномасини мўғул ҳукмдорларининг, аниқроғи, мазкур Ғозонхоннинг буйруғи билан ёзган [6: 27; 9, I/1: 67], бинобарин, "Жоме ат-таворих"нинг расмий тарих эканлиги ва шундан келиб чиқувчи оқибатлар ўз-ўзидан аён [1]. Жувайний билан Рашидиддин асарлари орасидаги бу фарқни назардан қочирмаслик лозим, зеро айрим масалаларда бу омил катта аҳамият касб этади ва асар мазмуни билан боғлиқ кўп жиҳатларни тушуниш ва тушунтиришда кўмак беради. Айтилганларни қуйидаги мисол билан тасдиқлаш мумкин.

Бир қарашда, Жувайнийнинг мўғул истилоларига кенг тўхталгани Ш. Биранинг фикрига исботдек туюлади. Аммо мўғулларни ўз ҳарбий муваффақиятларини эмас, балки қадимги тарихини абадийлаштириш кўпроқ қизиқтирган. Фикримизга далил сифатида мўғуллар буюртмаси билан иш бошлаган Рашидиддин асосий эътиборини айни шу мавзуга қаратгани, "Мўғулларнинг махфий тарихи" китобида ҳам ушбу мавзу етакчи ўрин эгаллаши, Шимолий Хитой, Тангут ва Хоразмшоҳлар давлатлари, Рус ва бошқа ҳудудларнинг босиб олинишига бор-йўғи олти бет ажратилганини айтиш кифоя бўлса керак [11: 179 ва давоми]. Мўғулларнинг зафарли юришларига келсак, уларни Рашидиддин деярли тўлалигича Жувайнийдан кўчириб ёзган, фақат баъзи тафсилотларни бошқа ёзма манбалардан ўзлаштирган. Бунинг устига, бу қисмларни Рашидиддиннинг ўзи эмас, унинг ёрдамчиларидан бири ёзган, деб тахмин қилишга катта асос бор, бинобарин ғоят муҳим ва мунозарали бўлиб қолаётган масалага анча ойдинлик киритиш мумкин.

[1] Жувайний билан Рашидиддиннинг тарихнавислик усуллари ва қарашлари кескин фарқ қилиши ҳақида таниқли шарқшунос, Ж. Бойлнинг устози В. Минорский ҳам ёзган эди: [18: 221–238].

Гап шундаки, бир ўринда Жувайний Жанд, Сиғноқ, Ашнос ва бошқа шаҳарларнинг Улус Иди (ёки Улуш Иди) томонидан забт этилганлигини ёзади [3, I: 66–70]. Ҳолбуки, барча манбалар, шу жумладан Жувайнийнинг ўзи бошқа бир ўринда берган маълумотга кўра [3, I: 64], мазкур шаҳарларга қарши Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжи бошчилигидаги қўшин жўнатилган. Рашидиддинда эса бу шаҳарларни забт этишда ҳам Жўжи, ҳам Улус Иди иштирок этди, дейилган [9, I/2: 199–200]. Бу чалкашлик тадқиқотчиларнинг турли тахминларига сабаб бўлган эди [12: 65]. Бу чалкашликнинг ечимини мазкур Ж. Бойл топди. Бир мақоласида у айрим мўғул шаҳзодаларининг "Тарихи жаҳонгушо"да ўз номи билан эмас, балки ўлимидан кейин берилган унвон (ёки шарафли лақаб) остида зикр этилишига эътибор қаратиб, хусусан Жўжининг "Улус-Иди (ёки Улуш-Иди)", Тўлининг "Улуғ-нўён", Ўктойнинг "Қоон", Чингизхоннинг укаси Темуганинг "Ўтегин (Ўт-тегин)", Тўлининг хотини Сўрғоқтонининг "Беки" деб аталишларини исботлаб берди [15][1]. Хуллас, Жўжи билан Улус Иди битта шахс бўлиб, Улус Иди аслида Жўжи вафотидан сўнг унга берилган унвон бўлган.

Айни пайтда Ж. Бойлнинг шу муносабат билан билдирган фикри мунозарага асос беради. Унинг ёзишича, Рашидиддин Жувайний асаридаги чалкашликни тушунмай, Жанд томон юборилган қўшин бошида икки киши – Жўжи билан Улус Иди турган, деган хулосага келган. Бироқ бу хулосага қўшилиш қийин. Рашидиддин ўз солномасининг биринчи жилд, биринчи китобида барча турк ва мўғул қабилаларини санаб ўтиб, ҳар бир қабила ё уруғдан чиққан саркардаларни, ҳатто ўнликка бошчилик қилганларини ҳам бирма-бир таништиради. Шу жилднинг иккинчи китобида эса у туман ва мингликларга бошчилик қилган лашкарбошиларни номма-ном санаб чиқади. Улус Иди ҳар икки жойда ҳам зикр этилмаган[2]. Бутун бошли бир қўшинга сардорлик қилган кишининг Рашидиддин назаридан четда қолиши жуда шубҳали. Қолаверса, марҳум подшоҳзодалар исмига табу қўйишдек мўғуллар орасида кенг тарқалган ҳодисадан бохабар бўлган, Ўктойнинг ёшлигида вафот этиб кетган ўғли исмига табу эълон қилинганлигини билган Рашидиддиннинг [9, II: 12]

[1] Рашидиддин ва бошқа муаррихларга кўра, мўғулларда вафот этган шаҳзодаларнинг исмига табу қўйиш одати ҳукмрон эди; токи уч авлод ўтмагунча марҳумларнинг исмини тилга олиш ўлим жазоси остида ман этилган. Аммо Ж. Бойл тўғри таъкидлаганидек, бу қоидага амал қилмаслик ҳоллари ҳам учраб туради.

[2] Умуман Улус Иди "Тарихи жаҳонгушо" билан "Жоме ат-таворих"дан бошқа манбаларда тилга олинмайди.

Жўжига нисбатан ҳам шундай иш амалга оширилганлигини билмаслиги ҳақиқатдан анча йироқ.

Бу эса “Жоме ат-таворих”нинг мазкур жойлари Рашидиддин эмас, балки унинг ёрдамчиларидан бири томонидан ёзилган бўлса-чи, деган тахминга туртки беради. Боз устига, Рашидиддин ҳатто асарининг ушбу қисмларини таҳрир ҳам қилмаганлигини гумон қилишга ҳақлимиз[1]. Бунда шуни ҳам эътиборга олиш жоизки, “Жоме ат-таворих”нинг бу қисми содда тилда, бошқа қисмлар – Чингизхоннинг шажараси, унинг ҳокимият учун курашлари ва Тангут ҳамда Хитойга юришлари эса нисбатан жимжимадор, юқори услубда ёзилган [10: 157–158].

Кўпчилик тадқиқотчилар, шу жумладан В.В. Бартольд ҳам [1: 93], мусулмон давлатларининг босиб олиниши воқеаларини Рашидиддин тўлалигича Жувайнийдан кўчирган, деган фикрда эдилар. Ж. Бойл ўзининг “Жувайний ва Рашидиддин мўғуллар тарихи бўйича манба сифатида” номли мақоласида икала асарнинг матнини синчиклаб солиштириб, гарчи Рашидиддин ҳарбий юриш воқеаларини “Тарихи жаҳонгушо”дан сўзма-сўз кўчирган эса-да, айрим қўшимча маълумотлар ҳам бериб ўтганини аниқлаган [14: 133–137]. Мисол учун, Жувайнийга кўра, Жўжи Гурганж қамалида шахсан иштирок этмай, балки фақат мадад жўнатади [3, I: 97]. Рашидиддин қамал воқеалари ҳикоясида Жувайнийни сўзма-сўз такрорлайди, аммо Жўжини қамалда шахсан иштирок эттиради [9, I/2: 214–217]. Ж. Бойлнинг асосий хулосаси шундан иборатки, Жувайнийнинг маълумотлари “Мўғулларнинг махфий тарихи”га кўпроқ тўғри келса, Рашидиддиннинг “Олтин дебтер”дан фойдаланганлиги яққол кўзга ташланади.

Шу ўринда иккита нарсани таъкидлаб ўтишга эҳтиёж бор. Биринчидан, Бойлнинг бу хулосасидан Жувайний “Мўғулларнинг махфий тарихи” асаридан бевосита фойдаланган экан, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Иккинчидан, “Жоме ат-таворих”да Жувайний асари ҳамда ушбу давр бўйича асосий саналувчи бошқа манбалар (Ибн ал-Асир, ан-Насавий ва бошқа муаррихлар асарлари)га қўшимча равишда келтирилган бошқа маълумотлар ҳам анча топилади. Улар ё бизгача етиб келмаган манбалардан олинган, ёки бўлмаса вақт ўтиши билан пайдо бўлган янгича талқин ва миш-мишлар асосига қурилган. Мисол учун, машҳур жангда Жалолиддин Мангуберди ва унинг қолган-қутган қўшини Синд дарёсидан кечиб ўтгани ҳақида ҳикоя қилар экан, Рашидиддин мўғул аскарлари унинг

[1] Баъзи олимлар, жумладан, И.П. Петрушевский фикрича, Рашидиддин асарнинг умумий таҳririни амалга оширган [6: 25].

ортидан ўзларини дарёга уриб, рақибни таъқиб қилмоқчи бўлдилар, бироқ Чингизхон бунга изн бермади, дейди [9, I/2: 224]. Бу иддао бошқа мўътабар манбалар тарафидан ҳам[1], билвосита далиллар билан ҳам тасдиқ топмайди ва, шубҳасиз, мўғул қўшинини алқаш учун тўқилган. Яна бир мисол: мутасаввиф Нажмиддин Кубронинг Урганч мудофаасида иштирок этгани ҳақида замондош манбаларнинг ҳеч бирида маълумот йўқ; бу факт дастлаб Рашидиддинда, сўнг Ҳамдуллоҳ Қазвинийда пайдо бўлади [9, I/2: 217; 19: 216].

Ўрганилаётган асарлар орасидаги фарқни Жалолиддин Мангубердига муносабат мисолида ҳам кўриш чиқиш мумкин. Жувайний уни турли бўёқларда кўкларга кўтариб мақтаб, “Шоҳнома” қаҳрамонларидан-да устун қўяди, унинг ғалабаларини жўшқинлик билан бўрттириб ҳикоя қилади, мағлубиятидан куюниб, буни оқлашга уринади. “Жоме ат-таворих”да бундай кўтаринкилик, тарафкашлик сезилмайди, айни пайтда Жалолиддинга нисбатан салбий баҳо ва муносабат ҳам кўзга ташланмайди[2].

Эътиборли ҳоллардан яна бири шуки, Рашидиддин “Тарихи жаҳонгушо”да келтирилган айрим воқеа-ҳодисаларни, тарихий шахслар фаолиятини онгли равишда ўз солномасига киритмаган. Бунга мисол сифатида биринчи навбатда Бухородаги Маҳмуд Торобий қўзғолонини келтириш мумкин[3]. Жувайний бутун бошли бир боб ажратган бу қўзғолон тўғрисида Рашидиддин ҳатто эслатмайди ҳам. Чамаси, мўғуллар ўзларининг ҳукмронлигига қарши кўтарилган бу халқ исёни мавзусини кўтаришни ман қилишган.

“Тарихи жаҳонгушо” билан “Жоме ат-таворих” орасидаги фарқлар ҳақида гапирганда яна бир масалага эътибор қаратиш керак бўлади. Жувайний Рашидиддиндан фарқли ўлароқ турк-мўғул атама ва сўзларини нисбатан кам қўллайди. Ҳатто келиб чиқиши туркий бўлган ўнлик тизими ҳам форсча *даҳа, сада, ҳазора* сўзлари билан, қўшин қисмлари эса арабий *майсара, маймана* ва *қалб* истилоҳлари билан аталган. Асарда келтирилган турк ва мўғул сўзларининг умумий сони ўттизга яқин (мўғулча исмлар ва жой номлари бундан мустасно, албатта).

---

[1] Синд дарёси бўйидаги жанг ҳақида қар.: [4: 366–367; 5: 121–124].

[2] Чингизхоннинг ўғли ва вориси Ўктой-қоон (1229–1241) давридаги нотинчликлар, истилочиларга қарши ғалаёнлар ҳақида сўзлар экан, Рашидиддин “Султон Жалолиддин ҳануз жидду жаҳд қиларди (такопўйи микард)”, деган жумлани ишлатган [8: 638]. Русча таржимада бу жумла “султан Джелал-ад-дин все еще проявлял высокомерие” шаклида ўгирилганки, бу ҳол аслиятдан бехабар ўқувчини янглиш хулосага етаклаши мумкин.

[3] Бошқа айрим фарқлар хусусида қар.: [7: 54–55].

Хулоса қилиб айтганда, ўрганилаётган икки асардаги умумий хусусиятлар улар муаллифларининг мўғуллар хизматида бўлишгани, кўп ҳолларда айни бир мавзуларни ёритишгани, бири иккинчисидан манба ўлароқ фойдалангани орқасида келиб чиққан бўлса, улар орасидаги тафовутлар ушбу муаррихларнинг турли даврларда яшаб, бошқа-бошқа чингизий хонадонлар хизматида бўлишгани, ҳар хил мақсадларни кўзлашгани, қайси манбалардан фойдаланиш имконига эга бўлганликлари каби омиллар билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Академик В.В. Бартольд. Сочинения. Том I. Москва, 1963.
2. Бира Ш. Монгольская историография (XIII–XVII вв.). Москва, 1978.
3. Жувайний Алоуддин Атомалик. Тарихи жаҳонгушо. 3 жилдда / Мирза Муҳаммад Қазвиний нашри. Лейден–Лондон, 1912–1937.
4. Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та’рих. “Полный свод истории”. Избранные отрывки / Пер. с араб. яз., прим. и коммент. П.Г. Булгакова, доп. к пер., прим. и коммент., введ. и указ. Ш.С. Камолиддина. Ташкент, 2006.
5. Ан-Насави Шихаб ад-Дин Мухаммад. Сират ас-султан Джалал ад-Дин Манкбурны (Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны) / Изд. критич. текста, пер. с араб., предисл. З.М. Буниятова. Москва, 1996.
6. Петрушевский И. П. Рашид-ад-дин и его исторический труд // Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Том I, кн. 1 / Пер. с перс. Л.А. Хетагурова. Москва–Ленинград, 1952. Б. 7–37.
7. Полякова Е.А. Об этикетности и реалистичности в хрониках Джувейни и Рашид ад-дина // Общественные науки в Узбекистане. № 10. Тошкент, 1979. Б.53–55.
8. Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний. Жоме ут-таварих. 4 жилдда / Муҳаммад Равшан ва Мустафо Мусавий нашри. Теҳрон, 1373/1994.
9. Рашид ад-дин. Сборник летописей. Том I, кн. 1 / Пер. с перс. Л.А. Хетагурова. Москва–Ленинград, 1952; том I, кн. 2 / Пер. с перс. О.И. Смирновой. Москва–Ленинград, 1952; Том II / Пер. с перс. Ю.П. Верховского. Москва–Ленинград, 1960.
10. Смирнова О.И. Некоторые вопросы критики текста («Сборник летописей» Рашид ад-Дина, «Шах-наме» Фирдоуси и «История

Бухары» Наршахи) // ППВ. Историко-филологические исследования, 1968. Москва, 1970. Б.155–165.
11. Сокровенное сказание. Монгольская хроника 1240 г. Том I / Введение в изучение памятника, пер., тексты, глоссарии С.А. Козина. Москва–Ленинград, 1941.
12. Тошев Н. Жувайний ва унинг “Тарихи жаҳонгушо” асари // Шарқшунослик. № 6. Тошкент, 1995. Б. 60–67.
13. Тошов Н.И. Алоуддин Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушо” асари – Марказий Осиёнинг XII-XIII асрлар тарихига оид муҳим манба. Тарих фанлари номзоди … диссертация. Тошкент, 2004.
14. Boyle J.A. Juvayni and Rashid al-Din as sources on the history of the Mongols // B. Lewis, P.M. Holt (eds.). Historians of the Middle East. London, 1962. Б.133–137.
15. Boyle J.A. On the Titles Given in Juvaini to Certain Mongolian Princes // Harvard Journal of Asiatic Studies. № 19. Cambridge–Massachusetts, 1956. Б.146–154.
16. Juvaini ‘Ala-ad-Din ‘Ata-Malik. The History of the World Conqueror / Transl. from the text of Mirza Muhammad Qazvini by J.A. Boyle. Manchester, 1997.
17. Kamola T. Stefan. Rashid al-Din and the making of history in Mongol Iran. A dissertation … Doctor of Philosophy. University of Washington, 2013.
18. Minorsky V. Caucasica III: The Alan Capital Magas and the Mongol Campaigns // Bulletin of the School of Oriental and African Stuties. Vol. XIV/2. London, 1952. P. 221–238.
19. The Ta’rikh-i-guzida or “Select history” of Hamdu’llah Mustawfi-i-Qazwini / Abridged in English by E. Browne, with indices of the Facsimile text by R. A. Nicholson. Pt. II. Leyden–London, 1913.
20. Togan A.Z.V. The Composition of the History of the Mongols by Rashid al-din // Central Asiatic Journal. Vol. 7/1. Wiesbaden, 1962. Б. 60–72.

Н. Тошов

Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушо” ва Рашидиддиннинг “Жоме ат-таворих” асарлари қиёсий тадқиқи

Мақола XII–XIII асрлар тарихи бўйича икки мўътабар форсий манба – Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушо” ва Рашидиддиннинг “Жоме ат-таворих” асарларини қиёсий ўрганишга бағишланган.

Унда мазкур асарлар орасидаги ўзаро боғлиқликлар ҳамда фарқли жиҳатлар аниқланиб, буларнинг сабаблари очиб берилган. Хусусан, Рашидиддин Хоразмшоҳлар давлатининг мўғуллар томонидан босиб олиниши тафсилотларини Жувайний асосида баён этган бўлса-да, айрим қўшимчалар киритгани, ушбу қўшимчалар эса “Жоме ат-таворих”нинг бу қисмлари Рашидиддиннинг ўзи эмас, унинг ёрдамчиларидан бири тарафидан ёзилганига далил бўла олиши кўрсатилган.

***Калит сўзлар**: Жоме ат-таворих, Жувайний, компиляция, манбалар, мўғуллар, Рашидиддин, Тарихи жаҳонгушо, Хоразмшоҳлар-Ануштегинийлар давлати*.

Н. Тошов

Сравнительный анализ “Тарих-и джахангуша” Джувайни и “Джами‘ ат-таварих” Рашидаддина

Статья посвящена сравнительному изучению двух авторитетных персидских источников по истории XII-XIII вв. – “Тарих-и джахангуша” Джувайни и “Джами‘ ат-таварих” Рашид ад-Дина. В ней выявлены взаимосвязь и различия между этими сочинениями, раскрыты их причины. В частности, показано, что, хотя Рашид ад-Дин обстоятельства завоевания монголами государства Хорезмшахов изложил на основе Джувайни, он внес некоторые дополнения, которые могут служить доводом в пользу того, что эти части “Джами‘ ат-таварих” написаны не самим Рашид ад-Дином, а одним из его помощников.

***Ключевые слова**: Джами‘ ат-таварих, Джувайни, компиляция, источники, монголы, Рашид ад-Дин, Тарих-и джахангуша, государство Хорезмшахов-Ануштегинидов.*

N. Toshov

Comparative analysis of “Tarikh-i jahangusha” by Juvaini and “Jami‘ at-tawarikh” by Rashid ad-Din

The article is devoted to a comparative study of two authoritative Persian sources on the history of the 12th–13th centuries, i.e. “Tarikh-i jahangusha” by Juvaini and “Jami‘ at-tavarikh" by Rashid ad-Din. It reveals the relationship and differences between these works, reveals their

reasons. In particular, it is shown that, although Rashid ad-Din outlined the circumstances of the conquest of the state of the Khorezmshahs by the Mongols relying on Juvaini, he made some additions that may serve as an argument in favor of the fact that these parts of “Jami‘ at-tavarikh” were not written by Rashid ad- Din but one of his assistants.

Key words: *Jami‘ at-tavarikh, Juvaini, compilation, sources, Mongols, Rashid ad-Din, Tarikh-i jahangusha, state of the Khorezmshahs-Anushteginids.*

О. Бўриев

Ҳофиз Шерозий дастхатидаги энг қадимги қўлёзма

ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари асосий фондида Амир Хусрав Деҳлавий (тўла исми Яминиддин Абулҳасан; 1253, Патёли, ҳозирги Уттар-Прадеш штатининг Итова округи – 1325.27.9, Деҳли) қаламига мансуб “Хамса” асарининг машҳур шоир Ҳофиз Шерозий (1325–1388) томонидан кўчирилган қўлёзмаси мавжуд. У тарихимизда маърифатпарвар, тарихий илмлар билимдони, хаттот ва нодир қадимий қўлёзмаларни йиғиб, асраб-авайлаб келган маънавиятимизнинг фидойиларидан бўлган Шарифжон Махдум Садр Зиё (1867–1931) кутубхонасига тегишли. Қўлёзма ҳозирги вақтда ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланади (инв. № 2179).

Амир Хусрав Деҳлавий – шоир ва адабиётшунос олим. Отаси Сайфиддин Маҳмуд асли Кешдан бўлиб, мўғуллар истилоси даврида Ҳиндистонга кўчган, Деҳли султонларидан Шамсиддин Элтутмиш (1211–1236) унга амирлик унвонини берган. Сайфиддин Маҳмуд Ҳиндистонда мўғулларга қарши жангларда ҳалок бўлган (1261 й.). Бобоси Имод ал-мулк невараси Хусравни саккиз ёшидан тасаввуф шайхи Низомиддин Авлиё хизматига беради ва у авлиёдан ўқиш ва ёзиш билан бирга, шеърият сабоқларини ҳам ўрганади. Хусрав Деҳлавий кейинчалик Деҳли султонлари хизматига ўтади, юқори мансабларга эришади. Шеърият соҳасида Саъдий Шерозий (1210–1292) ижодидан унумли фойдаланиб, кўплаб шеърий девонлар яратади.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Амир Хусрав Деҳлавий қаламига мансуб асарларнинг анчагина қўлёзмалари сақланади ва улар Институт каталоги жилдларида, асосан, иккинчи ва қисман қолган жилдларида (алоҳида асарлар ёки лавҳалар шаклида)